

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

2026-yil
28-fevral
SHANBA
№ 17 (13878)

ЕВРОПАЛИК ШЕРИКЛАРДАН ЯХШИ ТАШАББУСЛАР



Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Латвия Республикаси делегациясини қабул қилди.

▼ Ҳамкорлик

Учрашувда Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистондаги Факултета ва мухтор элчиси Гиртс Янземс, Латвия Қишлоқ хўжалиги маслаҳат ва таълим маркази бошқаруви раиси Мартинш Симерманис ва бошқа расмийлар иштирок этишди.

Мулоқот аввалида вилоят ҳокими меҳмонларни мамлакатимиз, хусусан, Тошкент вилоятига ташрифи билан самимий қутлаб,

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган дастурларни қўллаб-қувватлаётганликларини учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмонлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, айниқса, фермер хўжалиқларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аграр тармоқни модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш ва фермерларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Миллий қонунчиликда фермерлик ҳаракатини кенг тараққий эттириш, аграр тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш учун муштаҳам ҳуқуқий асос яратилди.

Эътиборлиси, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган, умумий қиймати 2 миллион евродан ортиқ бўлган ва 3 йил-

га мўлжалланган лойиҳа доирасида бозор тамойилларига асосланган, барқарор ва инклюзив агроозиқ-овқат тизимини шакллантириш кўзда тутилган.

Лойиҳа фермер ва деҳқон хўжалиқлари даромадларини ошириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини муштаҳамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида – қонунчилик тарғиботи, Латвияга ўқув ташрифлари ва менторлик дастурларини ташкил этиш, кооперативлар фаолиятини барқарор йўлга қўйиш учун грантларини тақдим этиш каби амалий чора-тадбирлар режалаштирилган.

Зойир Мирзаев Тошкент вилояти мамлакатдаги нуфузли аграр салоҳиятга эга ҳудуд эканини таъкидлаб, мазкур лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирди. Бу борада туман ҳокимликлари, соҳавий бошқармалар, фермерлар уюшмалари ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик таъминланиши алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида томонлар қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, логистика, "ашилл" технологиялар ва касб-ҳунар таълими соҳаларида ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга ўзаро тайёр эканликларини билдирдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Payshanba – yoshlar kuni

OCHIQ MULOQOT VA IMKONIYATLAR MAYDONI



Xabaringiz bor, joriy yilning 24-fevral kuni Prezidentimiz boshchiligidagi yoshlar masalalariga bag'ishlab o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida har haftaning payshanba kuni vazirlik, idora va hokimliklarda "Yoshlar kuni" sifatida belgilash taklifi ilgari surilgan edi.

Mazkur tashabbus joylarda yoshlar bilan bevosita muloqotni yo'lga qo'yish, ularning muammo va takliflarini o'rganish hamda amaliy yechimlar ishlab chiqishga xizmat qilmoqda.

Toshkent viloyatida ushbu tashabbus doirasida barcha tuman va shaharlarda hokimlarning yoshlar bilan ochiq muloqotlari tashkil etildi. Uchrashuvlarda yoshlarning bandligi, ta'lim sifati, kasb tanlash, tadbirkorlikni boshlash, startap g'oyalarni qo'llab-quvvatlash kabi dolzarb masalalar muhokama qilindi.

Xususan, Toshkent davlat agrar universitetida Toshkent viloyati hokimligi tashabbusi bilan bitiruvchi yoshlarning bandligini ta'minlash masalasiga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi.

Viloyat hokimi o'rinbosari O.Sultonbekov boshchiligidagi o'tgan yig'ilishda universitet rahbariyati, fakultet dekanlari, bo'lim boshliqlari va kafedra mudirlari ishtirok etishdi.

(Davomi 2-sahifada) ▶



Viloyat
bo'ylab

TOSHKENT viloyati hokimi Zoyir Mirzayev viloyatda faoliyat yuritayotgan oliy ta'lim muassasalari rektorlari bilan uchrashdi. Muloqotda hududda oliy ta'lim tizimini rivojlantirish, bitiruvchi yoshlarning bandligini ta'minlash, kadrlar tayyorlashda ta'lim va amaliyot uyg'unligini kuchaytirish masalalari muhokama qilindi.

Viloyat hokimi Zoyir Mirzayev BO'STONLIQ tumanidagi 7-sonli jazoni ijro etish koloniyasida jazo muddatini o'tayotgan bir guruh yosh mahkumlar bilan muloqot qildi. Ularning dardini tinglab, hayotiy rejalari, orzu-niyatlari bilan qiziqdi. Samimiy suhbat davomida mahkumlar o'zlarining takliflarini aytishdi. Viloyat rahbari mazkur takliflar yuzasidan tegishli rahbarlarga aniq topshiriqlar berdi.

YUQORI CHIRCHIQ tumanida "Jaholatga qarshi ma'rifat bilan" mavzusida keng qamrovli targ'ibot tadbirlari o'tkazildi. Uchrashuvlarda davlat va nodavlat tashkilotlar rahbarlari, o'qituvchi va murabbiylar, o'quvchi-yoshlar, tibbiyot xodimlari, mahalla faollari, uyushmagan aholi va xotin-qizlar faol ishtirok etishdi.

Poytaxtimizdagi "AZIMUT Grand" mehmonxonasida "Melkom-Market" MCHJ tomonidan baliqchilik sohasi bo'yicha respublika miqyosidagi yirik seminar tashkil etildi. Viloyat hokimining topshirig'iga asosan o'tkazilgan tadbirda Toshkent viloyati veterinariya boshqarmasi hamda tuman bo'limlari rahbarlari, shuningdek, 40 dan ortiq baliqchilik xo'jaliklari vakillari ishtirok etib, sohani rivojlantirish, ishlab chiqarish hajmini oshirish va mahsulot sifatini yaxshilash masalalari yuzasidan fikr almashishdi.

ЧИРЧИКДАН АМЕРИКАГА



"Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки резидент "Standartplast SA" масъулияти чекланган жамияти хоржий корхонаси Америка Қўшма Штатларига 18 тонна тайёр маҳсулот жўнатди.

Корхона автомобил-созлик ва курилиш соҳалари учун вибро, шовқин ва иссиқлик изоляция материалларини ишлаб чиқаради.



Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 817 минг кв.м. тайёр маҳсулотни ташкил этади, бу ички бозорни таъминлаш ва экспортни ривожлантириши имконини беради.

Жорий йилда корхона Тошкент вилоятининг АҚШга маҳсулот экспорт қилувчи бешта экспортёри қаторидан жой олди. Шунингдек, маҳсулотлар Мексика, Австралия, БАА, Хитой, Туркия, Германия, Испания, Руминия, Польша ҳамда МДХ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

▼ Экспорт

Ўз мухбиримиз

▼ Қарор ва ижро



Саховат ва ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ БИР МАНЗИЛДА

Юртимизда муборак Рамазон ойининг фаизи ва шуқуқи кезиб юрибди. Меҳр-муруват, аҳиллик ва шуқроналик оий сифатида улуғладиган ушбу муборак паллада инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжмандларга манзилли кўмак бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

2

ЧИКИНДИ ТАШИШ ХИЗМАТИ:



3

OCHIQ MULOQOT VA IMKONIYATLAR MAYDONI

Yig'ilishda bitiruvchilarni o'z mutaxassisligi bo'yicha ish bilan ta'minlash, hududlardagi bo'sh ish o'rinlariga yo'naltirish, ish beruvchilar bilan hamkorlikni kuchaytirish, ta'lim jarayonini amaliyot bilan uyg'unlashtirish masalalari atroflicha tahlil qilindi.

Ayniqsa, dual ta'lim tizimini keng joriy etish, ishlab chiqarish korxonalarini integratsiyani mustahkamlash orqali talabalarni o'qish jarayonidayoq amaliy faoliyatga jalb etish va ular uchun doimiy ish o'rnini yaratish muhim vazifa sifatida belgilandi.

Shu bilan birga, har bir bitiruvchi bilan individual ishlash, ularning kasbiy salohiyatidan kelib chiqqan holda manzilli rejalar ishlab chiqish hamda hududlar kesimida aniq takliflar shakllantirish bo'yicha mas'ullarga tegishli topshiriqlar berildi.

Chirchiq davlat pedagogika universitetida ham yoshlar va soha rahbarlari ishtirokida ochiq muloqot tashkil etildi.

Unda yoshlarning taklif va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, ularni qiyinayotgan muammolarni o'rganish, bandlegini ta'minlash va kasbiy rivojlantirish uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratish masalalari atroflicha muhokama qilindi.

Tadbirda Toshkent viloyati hokimi o'rinbosari Jamshid Bobojonov, viloyat Maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi boshlig'i Shukur Burxonov, shuningdek, boshqarmaning shahar va tuman bo'limlari rahbarlari, ta'lim muassasalari direktorlari hamda bitiruvchi yoshlar qatnashishdi.

Uchrashuv davomida yoshlarning fikr-mulohazalari tinglanib, ilgari surilgan takliflar yuzasidan mas'ullarga tegishli topshiriqlar

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

berildi. Shuningdek, mavjud bo'sh ish o'rinlari haqida ma'lumotlar taqdim etilib, bitiruvchilarni mutaxassisligiga mos ish joylariga yo'naltirish bo'yicha amaliy chora-tadbirlar belgilandi.

Angren erkin iqtisodiy zonasi direksiyasi binosida o'tkazilgan muloqotda shahar hokimi yoshlar va yosh tadbirkorlar bilan yuzma-yuz suhbatlashdi. Uchrashuv davomida yangi ish o'rinlarini yaratish, ishlab chiqarishga yoshlarni jalb etish, biznes tashabbuslarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash masalalariga alohida e'tibor qaratildi. Muammolarning bir qismi joyida hal etildi, ayrim murojaatlar bo'yicha mas'ullarga aniq vazifalar yuklatildi.



Bo'ka tumanidagi 43-son manzil koloniyasida jazo muddatini o'tayotgan yoshlar bilan o'tkazilgan muloqot esa tarbiyaviy jihatdan ahamiyatli bo'ldi. Yoshlar o'z xulosalarini bildirib, kelgusida jamiyatda munosib o'rin egallash, halol mehnat qilish orqali oilasi va Vatanga foyda keltirish niyatida ekanliklarini ta'kidladilar. Ularga kasb o'rganish, qayta ijtimoiylashuv jarayonida ko'mak berish masalalari haqida so'z bordi.

Nurafshon shahridagi 32-maktabda tashkil etilgan uchrashuvda o'quvchi-yoshlarning startap



g'oyalari, innovatsion loyihalari tinglanib, ularni amalga oshirish mexanizmlari yuzasidan aniq yo'naltirish belgilab berildi.

Olmaliq davlat texnika institutida o'tkazilgan tadbir doirasida shaxmat musobaqasi, kitoblar ko'rgazmasi, bo'sh ish o'rinlari yarmarkasi, "og'ir" toifadagi yoshlar uchun bepul tibbiy ko'rik tashkil etildi. 300 nafardan ortiq yosh ishtirok etgan muloqotda 29 nafar yigit-qiz o'z murojaatini yo'lladi. Ularning aksariyati bo'yicha tezkor choralar ko'rildi. Xususan, 22 nafar yosh "Aloqabank" viloyat filialiga, 2 nafari Xalq bankiga, yana 2 nafari "OKMK" AJ Injenerlar maktabiga kasb o'rganish uchun yo'naltirildi.

Oqqo'rg'on tumanida yoshlar tomonidan ilgari surilgan startap loyihalari, axborot texnologiyalari, raqamli iqtisodiyot, muhandislik va robototexnika kabi istiqbolli sohalarga qiziqish yuqori ekani qayd etildi. Ularga mutaxassislar tomonidan mavjud imtiyozlar va qo'llab-quvvatlash dasturlari haqida tushuntirishlar berildi.

Parkent tumanida sportchi yoshlar bilan o'tkazilgan muloqotda ularning yutuqlari va muammolari muhokama qilinib, sport infratuzilmasini yanada rivojlantirish, iqtidorli yoshlarni rag'batlantirish masalalari belgilab olindi.

Qibray tumanidagi 16-maktabda o'tgan uchrashuvda ta'lim sifati, fan to'garaklari faoliyati, axborot texnologiyalari xonalarning holati o'rganilib, mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanish bo'yicha zarur ko'rsatmalar berildi.

Chirchiq shahridagi muloqotda yoshlarga yaratilayotgan imkoniyatlar – sifatli ta'lim, kasb-hunar egallash, tadbirkorlikni yo'lga qo'yish, xorijiy tillarni o'rganish borasidagi dasturlar haqida so'z borib, ularning muammo va takliflari tinglandi.

Yangiyo'l shahrida esa maktab bitiruvchilari bilan uchrashuv o'tkazilib, ularning ta'lim, bandleg va tadbirkorlikka oid savollariga javob qaytarildi.

Aytish joizki, "Yoshlar kuni" doirasida o'tkazilayotgan ochiq muloqotlar yoshlarning dardini eshitish, tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash va ularni jamiyat hayotiga faol jalb etishda muhim hayotga aylana muvofiq. Eng muhimi, har bir murojaat e'tibordan chetda qolmayapti – bu esa yosh avlodning ertangi kunga ishonchini mustahkamlayotgani bilan ahamiyatlidir.

Zuhriddin RAHMONOV,
"Toshkent haqiqati" muxbiri

"Toshkent haqiqati" tanishtiradi YANGI TAYINLOVLAR

Toshkent viloyati hokimining tegishli qarori bilan Hamidjonov Komiljon Foziljon o'g'li viloyat hokimining raqamli texnologiyalar va sun'iy intellekt texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha maslahatchisi etib tayinlandi.

K. Hamidjonov 2000-yilda Yuqori Chirchiq tumanida tug'ilgan. Elektron tijorat va sun'iy intellekt texnologiyalari mutaxassisi.

Tayinlovga qadar "Unitel" MCHJ xorijiy kompaniyasi, shuningdek, Andersen xalqaro IT kompaniyasida sun'iy intellekt loyihalari bo'yicha ekspert bo'lib xizmat qilgan.

Toshkent viloyati hokimining tegishli qarori bilan Laziz Akramxanovich Ibragimov viloyat hokimligi moliya iqtisodiyot va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha kotibiyat mudiri etib tayinlandi.

L.Ibragimov 1987-yilda Toshkent tumanida tug'ilgan. Mutaxassisligi moliyachi.

Tayinlovga qadar Soliq qo'mitasi soliq organlarining "mahallabay" ishini hududlarda tashkil etish boshqarmasi davlat soliq bosh inspektori bo'lib ishlab kelayotgan edi.

Toshkent viloyati hokimining tegishli qarori bilan Eldor Habibullayevich Mirholiqov viloyat hokimligi qurilish, to'siqlarsiz muhit yaratish, kommunikatsiyalar, kommunal xo'jalik, ekologiya va ko'kalamzorlashtirish masalalari bo'yicha kotibiyat mudiri etib tayinlandi.

E. Mirholiqov 1983-yilda Bo'ka tumanida tug'ilgan. Mutaxassisligi bo'yicha iqtisodchi.

Tayinlovga qadar Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi "Toshkent viloyatida biznes markazlarini qurish direksiyasi" direktori vazifasida faoliyat yuritayotgan edi.

Toshkent viloyati hokimining tegishli qarori bilan Sirojiddin Ziyovuddinovich Nosirov viloyat hokimligi turizm, madaniy meros va ommaiy kommunikatsiyalar masalalari bo'yicha kotibiyat mudiri etib tayinlandi.

S. Nosirov 1987-yilda Zangiota tumanida tug'ilgan. Mutaxassisligi sharqshunos, siyosatshunos.

Tayinlovga qadar Zangiota tumani hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari lavozimida ishlab kelayotgan edi.

Toshkent viloyati hokimining tegishli farmoyishi bilan Umonxo'ja Sayidmurod o'g'li Xodjakbarov viloyat hokimligi Axborot-tahlil guruhi bosh mutaxassisi vazifasida ish boshladi.

S. Xodjakbarov 1998-yilda O'rta Chirchiq tumanida tug'ilgan. Injener-mexanik hamda bank ishi mutaxassisligiga ega.

Tayinlovga qadar viloyat hokimligi Axborot-tahlil guruhida yetakchi mutaxassis vazifasida xizmat qilayotgan edi.

Toshkent viloyati hokimining tegishli farmoyishi bilan Po'latov Bobomurod To'xtabov o'g'li viloyat hokimligi Axborot-tahlil guruhi yetakchi mutaxassisi vazifasida ish boshladi.

B. Po'latov 1990-yilda Parkent tumanida tug'ilgan. Gidrotexnika qurilish hamda iqtisodchi mutaxassisligiga ega.

Tayinlovga qadar Parkent tumani hokimligi Ijro intizomi nazorati bo'yicha bosh mutaxassisi vazifasida xizmat qilayotgan edi.

Toshkent viloyati hokimining tegishli qarori bilan Xikmatov Aziz Salaxitdinovich Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi "Toshkent viloyatida biznes markazlarini qurish direksiyasi" Davlat unitar korxonasi bosh direktori lavozimiga tayinlandi.

A. Xikmatov 1986-yilda Qashqadaryo viloyatida tug'ilgan. Bino va inshootlar qurilishi mutaxassisligiga ega.

Tayinlovga qadar Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi "Toshkent viloyatida biznes markazlarini qurish direksiyasi" Davlat unitar korxonasi bosh muhandisi vazifasida xizmat qilayotgan edi.

Beknazarov Bekzod Shakirovich Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasining Toshkent viloyati boshqarmasi boshlig'i vazifasini bajaruvchi lavozimiga tayinlandi.

B. Beknazarov 1981-yilda Toshkent shahrida tug'ilgan. Tibbiy profilaktika ishi mutaxassisligiga ega.

Tayinlovga qadar Zangiota tumani Sanitariya epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi boshlig'i vazifasida xizmat qilayotgan edi.

Manba: <https://t.me/toshvilpress>

САХОВАТ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ БИР МАНЗИЛДА

Президентимизнинг

2026 йил 17 февралдаги "Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Тошкент вилоятида кенг қўллаб-қувватлаш олимпиада нозоратга олинди. Туман-шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги тиббий танлов комиссиялари томонидан 118 нафар беморнинг ҳолати ўрганилиб, тегишли рўйхат шакллантирилди. Бугунги кунга қадар улардан 4 нафари клиникага ётқизилди, 6 нафар беморда жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди, 2 нафари республика даражасидаги шифохоналарга юборилди.

Хусусан, юқори технологик жарроҳлик амалиётига муҳтож беморларни аниқлаш ва уларни бепул даволаш масаласи алоҳида нозоратга олинди. Туман-шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги тиббий танлов комиссиялари томонидан 118 нафар беморнинг ҳолати ўрганилиб, тегишли рўйхат шакллантирилди. Бугунги кунга қадар улардан 4 нафари клиникага ётқизилди, 6 нафар беморда жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди, 2 нафари республика даражасидаги шифохоналарга юборилди.

"Вақф" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан эса жойлардаги 106 нафар беморга ваучер тарқатилди. Уларнинг даволаниши ҳудудий тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ва вилоят штаби нозорати остида йўлга қўйилган.

Юқори технологик жарроҳлик амалиётига муҳтож беморларнинг 85 фоизи вилоят тиббиёт муассасаларида даволаниши режалаштирилган, – дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бoshqarmasi бoshлиги ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Ҳудудда махсус штаб

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)



фаолияти ташкил этилган бўлиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳолининг тиббий муружаатлари ўрганилмоқда. Ҳозирги кунда қўшимча 125 нафар бемор рўйхати шакллантирилган ва уларга ҳам босқичма-босқич зарур муолажалар кўрсатилади.

Бу хайрли ишлар инсон тақдир мисолида янада яққол намоён бўлади. Оҳангарон шаҳрининг "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи II гуруҳ ногирони Хуршид Бутаев мустақил ҳаракатлана олмайди ва доимий эътиборга муҳтож. Маҳаллага бириктирилган ижтимоий ҳодим томонидан ушбу оиладан мунтазам хабар олиб турилмоқда.

Дастлаб, унга ногиронлик аравачаси берилди, фарзандларига нафақа тайинланди, хонадони таъмирланди. Яқинда эса навбатдаги жарроҳлик амалиёти учун 40 миллион сўмлик ваучер ажратилди.

Дарҳақиқат, Рамазон ойида амалга оширилаётган манзилли ижтимоий ҳимоя чоралари эҳтиёжманд оилалар қалбига умид ва ишонч бағишлаб, жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Нигора ўРОЛОВА,
"Ташкент ҳақиқати" мухбири

Камбағалликдан фаровонлик сари ИШСИЗЛИКДАН ИШБИЛАРМОНЛИККА

Мамлакатимизда аҳолининг бandlegини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратиш, оилавий тadbirkorликни ривожлантириш бўйича яратилган кенг имкониятлар бугун қўллаб инсонлар ҳаётида туб бурилиш ясамоқда.

Пискент туманида ҳам "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида аҳолини иқтисодий фаолликка жалб этиш, даромад манбаларини яратиш ва янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Бекобод" маҳалласида ёшовчи Мастура Гуломова бундан бир қанча вақт муқаддам ишсизлик ва моддий кемтикликдан азият чекарди.

Дастур доирасида унга субсидия асосида тикув машинаси берилди, иш фаолиятини йўлга қўйиш учун маҳалла биносидан алоҳида хона ажратилди. Берилган кўмак натижасида у қисқа вақтда ўзини ўнглаб олди.

Иш бошлаган кезлари Мастура опанинг кўнглида "Тиккан либосларимизга мижозлар топиламанми?" деган ҳадик бор эди. Бироқ кийимларнинг сифати анча

юқорилиги боис қисқа вақтда харидорларнинг кети узилмайдиган бўлди.

– Илк кунларда қийинчиликлар бўлди, – дейди Мастура она. – Бироқ атрофдаги ишончлири туфайли барини енгиб ўтдим. Ҳозирда мўъжаз цехимизда мактаб формалари, аёллар ва болалар кийимларини тикяпмиз. Маҳалладаги 5 нафар ишсиз хотин-қизнинг бandlegини таъминланди. Келгусида иш фаолиятимизни кенгайтириб, ишчилар сонини оширишни мақсад қилганимиз.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
"Ташкент ҳақиқати" мухбири

ЭЪЛОН

"LOMBARD STOLICHNIY KREDIT" MCHJ
Жамиятнинг 2025 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Ил бошига		Пассив	Ил охирига	
		2025	2024		2025	2024
1	Асосий воситалар	467 202,00	840 314,00	Устав капитали	2 300 000,00	2 300 000,00
2	Узоқ муддатли инвестициялар	–	–	Қўшилган капитал	–	–
3	Капитал қўйилмалар	–	–	Резерв капитал	345 000,00	345 000,00
4	Товар–моддий захиралари	8 674,00	11 685,00	Тақсимланмаган фойда	15 837 173,00	23 079 221,00
5	Дебиторлар	1 990 196,00	2 783 255,00	Мақсадли тушум ва фондлар	–	–
6	Пул маблағлари	730 171,00	896 477,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	–	–
7	Қисқа муддатли инвестициялар	18 679 958,00	27 035 394,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар	–	–
8	Бошқа активлар	–	–	Жорий мажбуриятлар	3 394 028,00	5 842 904,00
	Жами, активлар	21 876 201,00	31 567 125,00	Жами, пассив	21 876 201,00	31 567 125,00

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат	
	2025	2024	2025	2024
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	16 949 261,00	–	–	–
Сотилган маҳсулотлар таннархи	–	–	–	–
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	16 949 261,00	–	–	–
Давр харажатлари, жами:	–	–	7 996 869,00	–
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	–	–	–	–
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами:	5 351 965,00	–	–	–
Фойзалар шаклидаги харажатлар	–	–	612 694,00	–
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	13 691 663,00	–	–	–
Даромад (фойда) солиқ	–	–	2 072 772,00	–
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	–	–	–	–
Ҳисобот даврида корхона иштирокида қоладиган соф фойда (зарар)	11 618 891,00	–	–	–

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ АТ шаклидаги "DAXIN AUDIT EXPERTS GROUP" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

▼ Мутахассис минбари

ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ: ИНСОННИ АСРАЙДИГАН КУЧ

Бугунги кунда дунё жадал ўзгармоқда. Ижтимоий-иқтисодий ва экологик ўзгаришлар, ахборот оқимининг кучайиши, рақобат муҳити – буларнинг барчаси инсон руҳиятига таъсир кўрсатмоқда. Стресс, депрессия, невроз, тушкунлик, ноадекват хулқ-атвор каби ҳолатлар тобора кўпаймоқда. Бундай шароитда инсонни асраб қоладиган, уни қийинчиликлардан олиб чиқадиган энг муҳим омиллардан бири ҳаётга нисбатан бардошлиликдир.



Содда қилиб айтганда, ҳаётга нисбатан бардошлилик – бу инсоннинг турли синонвлар, йўқотишлар, муаммолар ва қийин вазиятлар қаршида синмасдан, аксинча, янада кучайиб чиқиш қобилиятидир. Бу шунчаки “чидаш” эмас, албатта. Бу – муаммони енгиш, ундан сабоқ олиш ва шахсий ўсиш учун фойдаланиш демакдир.

Психологияда мазкур тушунча илмий жиҳатдан кенг ўрганилган. Айниқса, америкалик олимлар Сальваторе Мадди ва Съюзан Кобейса томонидан киритилган “hardiness” атамаси бу соҳада муҳим ўрин тутди. Улар бардошлиликни инсоннинг стрессга қарши туриш, ҳаётдаги ўзгаришларни фаол қабул қилиш ва ўз тақдирини бошқариш қобилияти сифатида талқин этишган.

Кейинчалик бу ғоялар рус психологиясида ҳам ривожланди. Жумладан, Дмитрий Леонтьев ҳаётга нисбатан

бардошлиликни инсоннинг маъно излаш, қадриятларига содиқ қолиш ва ички таянчга эга бўлиш хусусияти билан боғлаб тушунтиради.

Авваллари олимлар бардошлиликни туғма хусусият деб ҳисоблашган. Яъни, айрим одамлар табиатан чидамли, бошқалар эса таъсирчан бўлади, деган қараш устувор эди. Бироқ замонавий тадқиқотлар бу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватламайди.

Бугунги қарашларга кўра, бардошлилик қисман ирсий омилларга, асосан тарбия ва муҳитга, шахсий тажриба ва онгли танловларга боғлиқ.

Демак, бардошлиликни ривожлантириш мумкин. Психологлар бу хусусиятни уч асосий даражада кўриб чиқадилар:

1. Психофизиологик даража – организмнинг стрессга жавоби, асаб тизими барқарорлиги.
2. Психик жараёнлар даражаси – фикр-

лаш, ҳиссиётларни бошқариш, қарор қабул қилиш.

3. Шахсий даража – қадриятлар, ҳаёт маъноси, ички ишонч. Масалан, ҳаётда турли синонвлар бўлади: ишдан айрилиш, молиявий қийинчиликлар, яқин инсонини йўқотиш, касаллик, табиий офатлар ва ҳоказо. Баъзи одамлар бундай вазиятларда тушкунликка тушиб қолса, бошқалар аксинча, кучайиб чиқadi.

Нима учун?

Тадқиқотларга кўра, бардошли инсонлар муаммога фақат фожиа сифатида эмас, балки вазифа сифатида қарайди. Бундайлар ўзини жабрланувчи эмас, фаол иштирокчи деб билади. Вазиятнинг назорат қила олмасида, ўз муносабатини назорат қилиш мумкинлигини англайди. Қийинчиликни шахсий ўсиш манбаи деб қабул қилади.

Сальваторе Мадди бардошлиликни учта асосий таркибий қисмга ажратган: иштиёқ (commitment) – ҳаётга бефарқ эмаслик, фаол иштирок этиш; назорат (control) – вазиятга таъсир кўрсата олиш ишончи; чақирик (challenge) – ўзгаришларни таҳдид эмас, имконият деб қабул қилиш.

Агар инсонда ушбу уч омил шаклланган бўлса, у стрессни енгишда анча муваффақиятли бўлади.

Дастлабки тадқиқотлар хавф гуруҳига кирувчи болаларда ўтказилган. Оғир шароитда ўсган, аммо барибир муваффақиятга эришган болалар олимларни ҳайратга солган. Улар орасида меҳрибон катта инсоннинг мавжудлиги, ўзини ижобий баҳолаш, мақсадга интилиш, юмор туйғуси каби омиллар муҳим ўрин тутган.

Кейинчалик тадқиқотлар катталарга ҳам татбиқ этилди. Аниқланишича, бардошлилик фақат болаликда шаклланиб қолмайди. У бутун умр давомида ривожланиши мумкин.

Бу борада рус олимлари тадқиқотлари ҳам аҳамиятли. Улар бардошлиликни икки асосий йўналишда ўрганишган.

1. Стрессни енгиш нуқтани назаридан – инсон қийин вазиятга қандай мослашади?
2. Қадриятли-экзистенциал ёндашув – инсон ҳаёт маъносини қандай топади?

Алексей Леонтьев ва унинг илмий мактаби инсон фаолияти, маъно ва шахс ривожига алоҳида эътибор қаратган. Кейинчалик Дмитрий Леонтьев ушбу ғояларни давом эттириб, бардошлиликни инсоннинг ички маънавий таянчи билан боғлаган.

Бундай ёндашувга кўра, бардошлилик – бу фақат психологик ҳимоя эмас. У инсоннинг маънавий етуқлиги, ўзини англаши ва ҳаётда ўз ўрнини топиши билан боғлиқ.

Ғарб адабиётида яна бир тушунча –

“resilience” (мослашувчанлик, қайта тикланиш қобилияти) ҳам кенг қўлланилади. Айрим тадқиқотчилар куйидаги икки атамани бир хил маънода ишлатади, бошқалар эса уларни фарқлайди.

Қисқача айтганда: Hardiness – ички позиция, ҳаётга муносабат, қадриятли таянч. Resilience – зарбдан кейин тикланиш қобилияти.

Аммо амалиётда бу икки тушунча кўп ҳолларда бир-бирини тўлдирди.

Замонавий технологиялар инсон ҳаётини енгиштирди. Бироқ ахборот босими, тезкорлик талаби, рақобат муҳити асаб тизимига салбий таъсир кўрсатмоқда. Психологларнинг таъкидлашича, бардошлилик нафақат руҳий, балки жисмоний саломатликни ҳам асрайди.

Бардошли инсон стрессдан тезроқ чиқadi, депрессияга камроқ мойил бўлади, ижтимоий муносабатларда барқарор бўлади, ҳаётдан қониқиб ҳиссини сақлаб қолади.

Образли қилиб айтганда, бардошлилик – бу инсон ҳаётини ёритувчи чироқдир. У зимистонда йўл кўрсатади.

Ҳуш, бардошлиликни қандай ривожлантириш мумкин? Бу борада мутахассислар куйидаги омилларга эътибор беришни тавсия этадилар:

- ҳаётда аниқ мақсад қўйиш;
- қийинчиликларни таҳлил қилиш ва сабоқ чиқариш;
- ижобий фикрлашни машқ қилиш;
- жисмоний фаолликни сақлаш;
- ижтимоий қўллаб-қувватлов муҳитини шакллантириш;
- ўз қадриятларини англаш.

Энг муҳими – инсон ўзини қурбон эмас, ҳаётнинг муаллифи сифатида кўра билиши керак.

Бу хусусият фақат муаммолардан ҳимоя қилмайди. У инсонни маънан бойлатади, ҳаёт мазмунини чуқурроқ англашга ёрдам беради ва шахсий ўсишга хизмат қилади.

Бугунги шиддатли даврда бардошлилик – бу шунчаки психологик тушунча эмас. У ҳар бир инсон учун зарур ҳаётий кўникма, ички қалқон ва руҳий таянчдир.

Улмас АЛИМОВ, Янги аср университети “Махсус педагогика” кафедраси ўқитувчиси

▼ Назорат

Гийёҳванд моддалар савдосига чек қўйилди

Тошкент вилояти ИИББ ва ДХХ тезкор ходимлари томонидан “пойтахт намунаси” асосида Зангиота туманини хавфсиз ва жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш чоралари кўриляпти. Шу мақсадда туман бўйлаб гийёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши қатор тезкор тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, Яққасарой туманида яшовчи 22 ёшли аёл 26 донга кучли таъсир қилувчи дори воситасини 2 миллион сўмга шартли харидорга сотган вақтда қўлга олинди. Тезкор тадбирлар Сергели, Қўйи Чирчиқ, Қўйраб ҳамда Мирзо Улугбек туманларида давом эттирилиб, аёлини дори воситалари билан таъминлаб келган 26-50 ёш оралиғидаги 3 нафар эркак ва 2 нафар аёл далилий ашёлар билан ушланди.

Тўрт кун давомида жами 6 нафар шахсдан иборат наркозанжирнинг барча бўғинлари узилиб, улардан турли ҳажм ва кўринишдаги 98 донга кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳамда 135 грамм гашиш гийёҳвандлик воситаси ҳужжатлаштирилиб олинди.

Шунингдек, Зангиота туманида аниқланган яна бир ҳолатда 1993 йилда туғилган, Қўқон шаҳрида яшовчи шахс 1 минг 181 донга психотроп дори воситасини 30 миллион сўм эвазига шартли харидорга сотган вақтда далилий ашёлар билан ушланди.

Умуман олганда, ўтган 40 кун мобайнида Зангиота тумани ҳудудида гийёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жами 16 та жиноий ҳолат аниқланиб, 2 та уюшган гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Тадбирлар натижасида турли ҳажм ва кўринишдаги 1 килограмм гийёҳвандлик моддаси, 1 минг 371 донга кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳамда 2 минг дозага тенг 400 грамм синтетик гийёҳвандлик воситаси ноқонуний муомаладан олинди.

Мазкур йўналишдаги тезкор-профилактик тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ

▼ Тоза ҳудуд

Худудлар тараққиёти фақат янги бинолар, равон йўллар ёки ёритилган кўчалар билангина ўлчанмайди. Жамият маданияти ва бошқарув самардорлиги, аввало, атроф-муҳитга муносабатда намоён бўлади. Тоза кўча – бу тартиб-интизом, масъулият ва ҳамжиҳатлик белгиси. Афсуски, сўнгги вақтларда айрим худудларда чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун ижтимоий тармоқлардан энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири – маҳаллаларда тўпланиб қолган чиқиндилар, санитар ҳолат ва хизмат сифати-

қийинлашиб, қор остида қолган ахлат эриганда ифлос сувга айланади. Натижада йўлак ва кўчалар лойкага тўлиб, сирпаниш ҳолатлари кўпаяди. Айрим жойларда

Муаммо техникадами?

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси маълумотларига кўра, худудларда жами 301 та турли русумдаги махсус техника мавжуд. Улар қаторига чиқинди ташувчи юк машиналари, контейнер ювиш ускуналари ҳамда бошқа ёрдамчи воситалар кирadi.

Ақсарият туман ва шаҳарларда техника етарли бўлса-да, таъминотдаги айрим камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, Оҳангарон, Бўка ва Чиноз туманларида техника етишмаслиги хизматларни ўз вақтида ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

ЧИҚИНДИ ТАШИШ ХИЗМАТИ: ТИЗИМ ҚАЕРДА ОҚСАЯПТИ?

дир. Айниқса, Янгийўл, Бўстонлик ва Тошкент туманлари, шунингдек, Янгийўл шаҳрида бу борадаги мурожаат ва шикоятлар нисбатан кўпайган. Қўлаверса, бошқа худудларда ҳам чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмаслик ҳолатлари учраб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти.

Ахлат уюмлари ортидаги хавф
Чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги – бу оддий коммунал муаммо эмас, балки аҳоли саломатлиги, болалар хавфсизлиги ва санитар-эпидемиологик барқарорликка беvosита таъсир қилувчи жиддий ижтимоий масаладир.

Кўчаларда тўпланиб қолган ахлат уюмлари шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфасини хиралаштириш билан чекланмайди. Уларнинг даиди ҳайвонлар титиб ташлайди, иссиқ кунларда ноҳусус ҳид атрофга тарқалади, пашша, чивин ва кемирувчилар кўпайиб, турли юқумли касалликлар хавфи ортиб боради. Бундай шароит, айниқса, болалар ва кекса ёшдагилар саломатлиги учун жиддий таҳдид туғдиради.

Қиш фаслида эса муаммо янада мураккаблашади. Музлаб қолган чиқиндиларни йиғиш ва ташиш

чиқиндиларни ёқишга уринишлар эса ҳавони ифлослантириб, нафас йўллари касалликларига сабаб бўлади. Демак, бу муаммо мавсумий эмас – у йил давомида турли кўринишда аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир жиҳат бор: ҳақ тўлаётган фуқаро сифатли ва ўз вақтида хизмат олишга ҳақли. Тўлов билан хизмат ўрнатишда мутаносиблик бўлмаса, бу ижтимоий адолат тамойилига пўтур етказadi.

Бугун Тошкент вилоятида аҳолига чиқинди ташиш хизмати кўрсатувчи 14 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 5 таси давлат, 9 таси хусусий секторга тегишли бўлиб, қарийб 1,4 минг нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Бу, албатта, тизимда муайян тартибга солиштирилган бўлиши кўрсатади. Бироқ хизмат сифати фақат корхоналар сони билан эмас, балки самарали бошқарув, пухта логистика ва кучли назорат механизми билан белгиланади.



Бу ҳолат, айниқса, аҳоли зич ёки худуди кенг туманларда яққол сезилади. Махсус транспорт воситалари етарли бўлмаганда чиқиндиларни йиғиш ва ташиш графиги бузилиб, хизмат кечикиши кузатилади. Ёниги таъминотидаги узатишлар эса иш жараёни барқарорлигига янада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тизимни янгилаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 20 та янги махсус техника харид қилиниб, хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Жорий йилда эса яна 8 та махсус техника

ҳамда 16 та электромотороллер олиш режалаштирилган. Улар тор кўчалар ва ички маҳалла йўлакларидан чиқиндиларни тез ва қўлай йиғишда самарали ечим сифатида хизмат қилади.

Бироқ техник имкониятлар босқичма-босқич янгилашиб бораётганига қарамай, айрим худудларда хизмат кечикишининг сақланиб қолаётгани масалага тизимли ёндашув зарурлигини кўрсатади. Чунки муаммо фақат техника соҳида эмас. Йўналишларни тўғри режалаштириш, ишчи кучини оқилона тақсимлаш, назоратни қўлайитириш ва аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ҳам ҳал қилувчи омиллардир.

АЙБДОР ФАҚАТ МАСЪУЛЛАМИ?

Президент фармони асосида чиқинди ташиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хизмат кўрсатиш графикалари тасдиқланган, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали аҳолига оммавий шартнома асосида етказилди.

ТОЗА МАКОН билгин тизими орқали ҳар бир фуқаро учун алоҳида ҳисоб рақами очилиб, тўловлар шаффоф ҳисобга олинмоқда. GPS мониторинг воситасида махсус техникалар ҳаракати онлайн кузатишмоқда. Агар техника белгиланган кўча ёки маҳаллага кирмаса, фуқарога тўлов ҳисобланмайди. Бу эса хизматчи ташкилот масъулиятини ҳам, ҳисоб-китоб адолатини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

– Чиқинди ташиш хизмати – бу

икки томонлама масъулият, – дейди Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиги Бекзод Пайшанов. – Тизим қанчалик шаффоф бўлмасин, фуқароларнинг тўлов интизომини ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хизмат узлуксизлиги молиявий барқарорликка боғлиқ.

Рақамлар ҳам масаланинг нақадар жиддийлигини кўрсатади: 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, биллинг базасида 68,4 миллион сўм қарздорлик қайд этилган. Бу маблағ техникаларни ёниги билан таъминлаш, уларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар харид қилиш ва ишчи-ҳодимлар меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш имкониятларини чекламоқда. Демак, тўланмаган ҳар бир сўм – кечикаётган хизмат, ишламай турган техника ва йиғилмай қолган чиқинди дегани.

Қарздорликни қисқартириш мақсадида онлайн тўлов тизимлари жорий этилган. Энди фуқаролар тўловларни электрон платформалар ва банк иловалари орқали осон амалга оширишлари мумкин. Шу билан бирга, қардор абонентларга нисбатан айрим коммунал ёки ноҳайити хизматларда чекловлар қўллаш амалиёти ҳам татбиқ этилмоқда. Бу жазо эмас, балки тизимда масъулият ва тартибни таъминлашга қаратилган чоралардир.

Мухтасар айтганда, тоза муҳит – ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳуқуқи. Уни таъминлаш эса давлат органлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва жамиятнинг умумий масъулияти ҳисобланади. Шу билан бирга, “Қарс икки кўлдан чиқади”, деганларидек, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз мажбуриятини сидқиқидан бажариши шарт бўлса, аҳоли ҳам зиммасидаги масъулият – тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш вазифасини бажариши зарур.

Тизим самардорлиги назорат ёки чекловлар билан эмас, балки ўзаро ишонч, масъулият ва ҳамкорлик орқали таъминланади. Шундангина тоза муҳит барқарор қадриятга айланади.

Зухриддин РАҲМОНОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Рамазон ҳикмати

Ота-она — жаннат василаси

Рамазон тоат-ибодат, хайру саховат, меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик оми бўлиши баробарида тарбия мавсу- ойи ҳамдир. Бу қутлуг ойда мўмин-му-

сулмонлар рўза тутиш билан бирга ота-онани ҳурмат қилиш, ёши улуғ ин- сонларни эъзозлаш, кичикларга иззат кўрсатишни ҳам ўрганадилар.

Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида Аллоҳ таоло бундай амр қилади: **“Уларга меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” (Исро сураси, 24-оят).**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ота-она- ни эъзозлаш, ҳурматлашга доир кўрсатмаларини ота-оналар, му- раббийлар болаларга гўдаклиги- данок ўргатишлари лозим.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ **“Ал-адаб ал-муфрад”** китобида Ибн Аб- бос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: **“Қайси бир мусулмон фарзанд савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жан- натнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. “Ота-онадан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунча Аллоҳ ундан рози бўлмайди”**, деди. Шунда бир киши: “Агар ота-оналар болага зулм кўрсат- ган бўлса-чи?” деб сўради. “Агар улар боласига зулм кўрсатган бўлса ҳам, фарзанд уларни ранжитмаслиги керак”.

Имом Аҳмад ва Имом

Насоий Муовия ибн Жаҳим ро- зияллоҳу анҳудан ривоят қи- лади: “Жаҳим розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига келиб:

— Ё Аллоҳнинг Расули, газотга чиқишни хоҳлай- ман ва сиздан маслаҳат сўраб келдим, — деди.

Шунда Пайғамбари- миз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Онанг ҳаётми? — де- дилар.

— Ҳа, — деди.

— Ундан ажралма, чунки жаннат унинг оёғи остида, — дедилар.

Ислом таълимотида ота-оналари заифлаш- ган, кексайган вақтларида фарзандлари уларнинг туну кун хизматларини қилиб, дуоларини олиш улуг амал дейилади.

Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қилади: “Инсон вафот этганидан сунг даража- си кўтарилади. Шунда у: “Эй Раббим, бу нима? Яъни, дара- жанинг кўтарилиши нимадан?” дейди. Шунда унга: “Фарзан- динг сенинг ҳақинга истиғфор айтди”, дейди” (Имом Бухорий ривояти).

Имом Абу Довуд, Ибн Можа

ва Ҳоким Молик ибн Робиа розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Пайғамбаримиз сол- лаллоҳу алайҳи ва саллам ху- зурларида эдик. Бани Салама

риб ўзи минган эшакка юклади. Бошидаги саллани унга берди. Ибн Динор унга: “Биз: “Аллоҳ сизни солиҳ қилсин, у аъробий, озгина нарсага ҳам рози бўла- ди”, дедик. Шунда Абдуллоҳ: “Бунинг отаси Умар ибн Хат- тобнинг дўсти. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам- нинг: **“Албатта, яхшилик- ларнинг афзали киши отаси- нинг дўстлари аҳ- лига силаи раҳм қи- лиши”**, деганларини эшитганман”, деди.

“Тафсири Ибн Касир” китобида Су- лаймон ибн Барид розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Бир киши елкасига онаси- ни кўтариб, Каъбани тавоф қилди. Сўнгра Пайғамбаримиз сол- лаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Она- нинг ҳақини адо эт- димми?” деб сўради. Пайғамбаримиз сол- лаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Йўқ, бир ох, деганчалик ҳақини ҳам адо этмадинг”**, дедилар”.

Ҳа, азизлар! Ота-она — жаннат василаси. Бу икки буюк зотнинг хизматларини қилиш, дуоларини олиш орқали икки нарсани қўлга киритамиз. Биринчиси, ота-онамиз биздан рози бўлса, Аллоҳ ҳам рози бўлади. Иккинчиси, кексайган ота-оналаримизнинг хизмат- ларини қилсақ, эртага қари- ганимизда фарзандларимиз ҳам бизга меҳрли бўлишди, иншоаллоҳ.

Дониёр ИКРОМОВ, Тошкент вилояти бош имом-хатиби

**“Темур тузуклари” асаридан**

Тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш аҳли бирлик, итти- фоклик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қол- дирмасунлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учиде ай- тилгани, иккинчиси — дилдан чиққани.

Тил учиде айтилганини (шунчаки) эшитардим.

Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қу- логига қуярдим ва дилимга жойлардим.



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari, nashr uchun mas’ul: Suhrojon SADIROV

Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA

Navbatchi: Nozima RASULOVA

Ekspeditor: Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti — 20:00.

Bosishga topshirildi — 20:00.

Nashr ko’rsatkichi — 205.

Buyurtma G-235.

8 410 nusxada chop etildi.

Hajmi — 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

Marjam TUPFUYH KIZI

1 2 3 4 5 6

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

Marjam TUPFUYH KIZI

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6

▼ Маҳаллангиз тарихини биласизми?

“ТОЛЕБИ” — ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК МАСКАНИ

Толеди номли маҳалла Бўстонлик туманида жойлашган. Маҳалла миллий қадриятларга содиқлиги, аҳолисининг ҳамжи- хатлиги ва фаол жа- моатчилиги билан ажралиб туради.

Маҳаллий аҳоли маҳалланинг бундай аталиши қозоқ халқи- нинг тарихий шахси — Тўле Би номи билан боғлиқ дейишади. Тўле Би XVII—XVIII асрларда яшаб ўтган, халқ орасида адолатли ва доно би (қози) сифати- да шухрат қозонган. У ҳаёти ва фаолияти давоми- да адолатни маъқ қилиб олган, ҳар қандай вазият- да оқилона қарор қабул қилган.

Маълумки, Бўстонлик тумани ҳудудида қадим- дан қозоқ миллатига мансуб фуқаролар салмоқ- ли ўрин эгаллагани боис маҳаллага Толеди номи берилиши тарихий-маданий жиҳатдан ҳам асо- сли. Шунингдек, тинчлик, яхши кўшничлик ва ўза- ро тутушлик гоյларини улуглаш рамзи сифатида талқин этилади.

Сўнгги йилларда ушбу маҳалла фуқаролар



ийгини фаолияти янада мустаҳкамланиб, дав- лат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳудуд- да ижтимоий-маънавий муҳит барқарор. Бугун- ги кунда маҳаллада ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизларнинг фаоллиги қўллаб-қувватланмоқда ҳамда ҳам таъминланган ва эҳтиёмжанд оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкалам- зорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур маҳалла нафақат маъмурий ҳудуд, балки дўстлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат қарор топган маскандир. Бу ерда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятлар асраб-авайланиб, ёш ав- лод ватанпарварлик руҳида тарбияланмоқда. Маҳаллада турли миллат вакиллари аҳил, иноқ яшаб, юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилиш- моқда.

Нозима АРСЛОНОВА тайёрлади

**“САМОВАРЧИ МОМО”**

Асли Самарқанд заминида туғилиб, ҳозир- да Бекобод туманида умргузаронлик қилаётган Роҳатой ая Маматқулова тақдирнинг оғир синов- ларини санъат орқали енгган аёллардан. Уни на- фақат вилоятимизда, балки республикада ҳам “Само- варчи момо” деб танишади. Аммо бу номга эришгунча қанча қийинчиликлардан ўтганини ёлғиз ўзи билади.

Роҳатойнинг отаси катта тад- бирларда ош дамлар, ҳатто бо- шига қозон тўла ошни қўйиб, рақсга ҳам тушарди. Қизалоқ шу манзараларни кўриб катта бўлди. У доим мактаб тадбирларида қў- шиқ айтар, келажакда санъаткор бўлишни оруз қиларди.

Бироқ отаси: “Қиз болага санъаткорлик ярашмайди” деб, уни эрта турмушга узатди. Шу билан болалик орзулари армон- га айланди.

Еш келинчак пахта даласида тинимсиз ишлади, оғир юмуш- ларни бажарди. Балки шу ма- шаққатлар сабабини, унинг этти- та ҳомиласи туғилмасдан нобуд бўлаверди. Шифокорлар унга бошқа туғиш мумкин эмаслигини айтишди. Шу боис турмуши ҳам бузилди.

Шу тариқа Роҳатой ёлғиз яшай бошлади. Аммо тақдирга

ёзилган экан, Ҳасан исмли йигит билан оила қуришди. Роҳатойга она бўлиш орузи тинчлик бер- масди. Турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, фарзанд асраб олишига қарор қилишди.

— Катта қизим Нигорани асраб олганимизда 4-5 кунлик чақалоқ эди, — дейди Роҳатой ая. — Орадан 10 йил ўтиб, яна бир қиз чақалоқни фарзандлик- ка олдик. Унга Умида деб исм қўйдик. Қизларимни бағримга босиб, меҳр берганимда, юра- гимдаги бушлиқ секин-аста тўла бошлади. Она бўлиш меҳр бе- риш эканини англадим.

Ҳаёт синовларини сабр би- лан енгиб келган Роҳатой ая- нинг қалбидеги санъатга бўлган қизиқиш ҳеч сўнмади. Тўйлар- да бошига тарвуз, қовун қўйиб маҳорат билан рақсга тушиши унинг тақдирини ўзгартирди. Уни

▼ Қадриятларимиз

туман маданият бўлимига ишга тақлиф қилишди. Шу тариқа ая- нинг болалик орузи 70 ёшдан ўтганида амалга ошди.

Кўшнисидан қадимий само- варни сўраб олган Роҳатой ая мана беш йилдирки тумандаги “Нилуфар” фольклор-этногра- фик ансамбли сафиде ўзи тенги момолар билан саҳнага чиқади.

— Ёшим улғайганда саҳна мени яна чорлади, — дейди ая. — Бошимдаги самовар шунча- ки буюм эмас — менинг сабрим, бардошим рамзи. Ичи қайноқ чой билан тўла бўлса ҳам, уни бошимда мувозанатда тутиб, рақсга тушаман. Чунки ҳаёт ҳам шундай: ичи қайноқ дардларга тўла бўлса-да, инсон ўзини тути- ши, енгилмаслиги керак. Санъат — ўзимни топишга куч берди.

Яқинда 81 ёшни қарши ол- ган Роҳатой ая “Маданият ва

санъат фидокори” кўкрак ни- шони билан тақдирланди. Му- кофотни маданият вазирининг ўринбосари Муроджон Мажи- дов топширди экан, онахоннинг миллий маданиятимиз ривожига қўшаётган ҳиссасини алоҳи- да эътироф этди. “Самоварчи момо” тимсолида халқимиз- нинг азалий анъаналари, меҳ- мондўстлик фазилатлари яна бир бор улугланди.

Дарвоқе, Роҳатой аянинг яна бир нияти бор: 4 килолик ошни қозони билан бошига қўйиб, рақсга тушиш. Шу ёшида ҳам аянинг кўзларидаги завқ сўнма- ган. Бугун у фарзандлари ва на- биралари ардоғида умргузарон- лик қилмоқда. Ая санъатга ошно қалб қаримаслигини ўз мисоли- да исботлаб берди.

НОЗИМА РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Шанба сабоқлари

Кўшнимизнинг иккита сигири бор эди. Янги соғилган сут, серқаймоқ қатиқлар кўни-кўш- нидан ортмасди. Айниқса, рўзғорда тушган пўчоқлар увол бўлмасди, кўшнингнинг эшиги

кетаверинг, битта бузоқчани олиб қолганмиз”, дея мушкулимни осон қилдилар.

Вақт ўтиб, кўшнларим муборак сафар- дан қайтишди. Уйлари келди-кеттидан бў- шамай қолди. Келинлари ҳамшира бўлиб ишлайди. Ўша кезлари набираимизга на-

чадим. Меҳмонларнинг келиши яхшику-я, ле- кин сафардан келган одам кетма-кет меҳмон кутса, чарчаб қоларкан, — деди ҳамшира ке- лин.

Муолажани тугатиб, кетар экан:

— Айтмоқчи, энди пўчоқ олиб чиқиб юрманг,

ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН МАЖБУРИЯТ...

олдидаги махсус идишга тўкиб кетаверардик. Бир куни пўчоқ олиб чиқсам, эшикка ёзув илиб қўйишди: “Пўчоқ ташламанг, сигирлар йўқ”. Орадан қанчадир вақт ўтиб, кўчада кўшним- ни учратиб қолдим, бозорга кетаётган экан. Бироз гапладим.

Айтишларича, иккита сигирни сотиб, пу- лига ўзлари, ўғиллари ва келинлари Умра сафарига отланиб туришган экан. Бу хабарни эшитиб, хурсанд бўлдим, муборакбод этдим. Орада пўчоқларни қаерга олиб боришни бил- май, сарсон бўлаётганимизни ҳам қистириб ўтдим. “Майли, сиз дарвоза ичкарисига қўйиб

батдаги уқалаш амалиётини ўтказишлари керак эди. Меҳмондорчиликнинг кети узил- маётганини кўриб, биз ҳам муолажани яна бир ҳафта орқага суришга келишдик. Лекин орадан икки ҳафта ўтди, ҳамшираимиз меҳмон куттишдан бўшамасди. Ниҳоят, бир куни остонамизда кўриндилар.

— Э, хайрият, меҳмондорчиликлар тугади- ми, — деб сўрадим.

— Қаёқда, дейсиз? Ҳар куни меҳмон усти- га меҳмон, ўзиям роса келди-кетди бўлди-да. Ишонсангиз, меҳмонларга ҳада олиш учун беш марта бозорга бордим. Очиғи, роса чар-

бузоқни ҳам сотиб юбордик, — деб қўшиб қўй- ди келин.

Ўқшнингнинг гаплари бугуннинг яна бир оғриқли мавзусини тилга олишимга сабаб бўл- ди. Тўғри, ҳожиларни, Умра зиёратидан кела- ётганларни ҳурмат қиламиз. Лекин бу ҳурмат дабдабаги қутиб олишлар-у, кетма-кет меҳ- мондорчиликлар билан белгиланмайди-ку! Қолаверса, келган ҳар бир меҳмонга ўзимиз- нинг “Отчопар” бозоридан олинган ҳадялар улашилиши керак, деган қоида ҳеч қаерда ёзилмаган.

Марям ТУПФУН КИЗИ